Ушбу сонда:

2 ҚАРЗ ЮКИ

3 БОШЛИҚ БЕХАБАР ЭМИШ...

4 ОҚИБАТЛИ БЎЛИНГ, ОДАМЛАР!

РОСТ ВА ЁЛҒОН



*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

№ 26 (432)
2005 йил
19 июл
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда


**MEZON:**

**Жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқаролар пенсия тўловлари олувчи сифатида жамғариб бориладиган пенсия тўловларини қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келган тақдирда олиш ҳуқуқига эга.**

**«ФУҚАРОЛАРНИНГ ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН, 16-МОДДА.**

## ЯРАТУВЧИЛИК ВА БУНЁДКОРЛИККА РАҒБАТ

***Хусусий тармоқни ривожлантиришга бўлган эътибор самараси ўлароқ, мамлакатимиз иқтисодиётида унинг ўрни ва улуши тобора кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг сони 280 мингдан ошгани фикримизни тасдиқлайди.***



Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг энг муҳим устувор вазифаларидан бири — бу кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш борасидаги ишларни чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтириш зарурлигини таъкидлаган эди.

Президентимизнинг шу йил 20 июнда эълон қилинган **«Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Фармони бу борада янада катта имкониятлар яратади.

— Мамлакатимизда микрофирма ва кичик корхоналар, яъни кичик бизнесга алоҳида аҳамият берилаётгани бежиз эмас, — дейди Давлат солиқ қўмитаси масъул ходими Одилхўжа НАБИЕВ. — Бунинг боиси шундаки, бу тизим бозор иқтисодиёти шароитида муҳим ўрин тутади. Жамиятимизда мулк шаклининг ўзгариши, хусусий бизнеснинг ривожи ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш муносабатларини ташкил этишнинг, меҳнатга муносабатнинг тамомила янгича тамойиллари амал қилишига замин яратди.

Мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисми йирик корхоналар қуриш имконияти бўлмаган қишлоқ жойларда ва кичик шаҳарларда истиқомат қилишини инобатга оладиган бўлсак, ўз-ўзидан хусусий тармоқни ҳар томонлама ривожлантириш ва рағбатлантириш юртимизда нақадар зарур эканлигини англаб етиш қийин эмас.

Шу боис ҳам, истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ, бу тармоққа алоҳида эътибор берилди. Хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган қонунчилик асослари яратилди.

Кичик бизнес субъектлари учун солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби соддалаштирилди. Уларнинг зиммасидаги солиқ юки сезиларли даражада енгиллаштирилди. Солиқ тизимини танлаш ҳуқуқи микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг ўзига ихтиёрий асосда тақдим этилиши тартиби белгиланди. Натижада йилдан-йилга уларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши ўсиб бормоқда.

***(Давоми учинчи бетда)***

**Bugunning gapi**

## НОН ИСИДА ҲАЁТ МУЖАССАМ

Бир дона буғдой бир ҳовуч донга айланади. Бир ҳовуч дон бутун бир хирмонни ташкил этади.

Бу — ўз-ўзидан бўладими?

Халқимиз, Яратганнинг ўзи қут берсин, барака берсин, деб ният қилади. Яхши ният билан қадалган уруғ бу йил шундай ҳосил бердики, хирмонимиз ҳар қачонгидан баракали бўлди.

Қаранг, давлатга 2 миллион 500 минг тоннадан ошиқ дон топширилди. Ялпи хирмонимиз эса эрта-индин 5 миллион тоннага етади.

Агар халқимизнинг меҳнати ҳалол, нияти холис ва насибаси баланд бўлмаганида, шундай қут-барака берармиди бизга, деб ўйлайман. Таъсирланаман. Шу нотинч замонда ризқимиз улуғ, насибамиз бутун бўлишининг ўзи бир саодат эмасми?

Жиззахлик бир кекса онахон, бир вақтлар, очарчилик йилларини эслаб, шундай ҳасрат қилган эди: ***"Қаттиқ очарчилик бўлиб, одамлар тутдай тўкилди. Аҳвол шу даражага етиб бордики, бутун бир қишлоқда ўликларни кўмишга ярайдиган бир одам қолмади. Акам, чўпдек озиб кетган, беш-ўн мурдани зўрға эшак аравага ортиб, кўмгани олиб кетяпти. Бир ориқ ит бориб, ўликлардан бирининг оёғига ёпишди. Акам, аранг, қўй, дейди, лекин итни ҳайдашга ҳоли йўқ. Ўликни тортиб олишга эса итнинг мажоли етмайди. Шундай кунларни ҳам кўрганмиз, болам".***

Бу воқеа тахминан ўтган асрнинг бошларида рўй берган. Ўша даврда бир тўғрам нонга зор бўлиб, очдан ўлиб кетганлар қанча!

Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов шундай дейди:

***- Азизим, солланиб турган бошоқларга, силкиниб турган буғдойзорга менинг кўзим билан қаранг. Саккизга тўлмаган ёшингизда, қиш изғиринида, тонг қоронғусида уйғониб ширин уйқу ва иссиқ кўрпани ташлаб, гузарда нонга навбатда турганмисиз? Навбатингиз етганда дўкон ёпилиб, кўзингиз тўла ёш билан уйга қуруқ қайтганмисиз? "Заборная карточка»га бериладиган бир парча "ржаной" (ўзбекча талаффузда "аржиной") нон мазаси оғзингизда қолганми?***

***Муҳтожлик шундай жароҳат эканки, ўзи битиб кетса ҳам изи умрбод қоларкан. Орадан шунча йиллар ўтса ҳам, кунимиз, шукрларки, ёлғиз ноннинг ўзига қолмаган бўлса ҳам, ҳали-ҳамон тандирдан узилган нонни ҳидласам, ичимдан хўрсиниқ келади. Нон иси менга ҳаёт иси, тириклик иси, жон иси бўлиб туюлади.***

Севимли шоиримиз айтганидек, нон исида бутун бошли ҳаёт мужассам.

Шу маънода, ҳар қанча шукр қилсак арзийди. Ахир, куни кеча, истиқлолга чиққан йилларда ғалла масаласида ўзгаларга қарам эмасмидик? "Очарчилик бўлар экан!" деган шов-шувлар юрагимизга ваҳм солганига атиги ўн йилдан ошди, холос. Бугун эса кўнглимиз тўқ, ўзимизнинг донимиз, беминнат нонимиз бор ва у ҳаммамизга етиб ортади.

Бу йилги улкан хирмон халқимиз ўз қўли билан ўз тақдирини, ризқрўзини яратиш борасида нечоғлик собитқадам эканини кўрсатиб қолмай, нечоғлик оққўнгил, меҳнаткаш ва мушфиқ эканини, халифалик ўрнатамиз деб Андижонда қон тўккан тажовузкорлар эса табиатан бу халққа мутлақо ёт эканини ўзида намоён этади.

Ҳатто Андижон вилоятининг ўзида ҳам бу йил янада салмоқли хирмон уюлгани ва улар пешқадамлар қаторида бораётгани мана шу фикрнинг яна бир тасдиғи эмасми!

**"Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, ушбу соҳанинг таянч устуни бўлмиш фермерлик ҳаракатига катта йўл очиб берилаётгани, энг муҳими, деҳқонларнинг ерга, ҳаётга бўлган муносабати тубдан ўзгариб, ўз меҳнатидан манфаатдорлиги ортиб бораётгани биз эришаётган салмоқли ютуқларнинг асосий омили бўлмоқда"**, — дейди Президентимиз.

Албатта, бу ишларни амалга ошириш учун аввало тинчлик, барқарорлик ва осойишталик, шу билан бирга, қатъий ишонч, ғайрат ва шижоат, интилиш бўлиши керак.

Бундай гўзал фазилатлар халқимиз табиатида мужассам, Ўзбекистонимиз тинч, қишлоқ хўжалиги соҳасида чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда.



Маълумки, қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётининг ўзагини ташкил этади. Нега деганда, аҳолининг 62 фоиздан ортиғи қишлоқ жойларда яшайди. Аксарият кўпчиликнинг тақдири, келажаги ва турмуш даражаси тўғридан-тўғри мана шу тармоқдаги ўзгаришлар билан бевосита боғлиқ.

Ҳозир бу тармоқда ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоиздан ортиғи яратилмоқда. Кундалик эҳтиёж талаб қиладиган истеъмол молларининг учдан икки қисми қишлоқ хўжалиги хом-ашёсидан тайёрланади. Ёки бўлмаса, фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарининг ярмидан кўпи тўғридан-тўғри қишлоқ хўжалигига алоқадордир.

Шу боис бу соҳа ривожи учун мустаҳкам замин яратилди, аграр муносабатларнинг мутлақо янги шаклларини жорий этиш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилди. Ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига бозор муносабатларига асосланган янги хизмат кўрсатувчи инфратузилма шакллана бошлади. Деҳқон ернинг, ўзи етиштирган маҳсулотнинг ҳақиқий эгасига айланди.

Дон мустақиллигининг қўлга киритилиши — давлатимиз раҳбари бошчилигида олиб борилаётган ушбу ислоҳотларнинг ёрқин самараси, десак, асло хато бўлмайди.

Ўзбекистон мустақилликка эришган тўқсонинчи йилларнинг бошида эндигина оёққа тураётган давлатимиз олдида жуда кўп муаммолар кўндаланг бўлиб турган. Шу масалаларнинг энг муҳими – аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашдан иборат эди. Ўз вақтида собиқ иттифоқнинг пахта базасига айланиб қолган Ўзбекистонга асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари бошқа республикалардан олиб келинарди. Шу маънода, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий турларини ўзимизда етиштириш ва бу маҳсулотлар бўйича бошқа мамлакатларга қарам бўлиб қолмаслик нафақат иқтисодий, балки сиёсий мустақилликни ҳам таъминловчи муҳим омиллардан бири эди.

***(Давоми иккинчи бетда)***

**Munosabat**

***Катталиги жиҳатидан Ўзбекистонда учинчи шаҳар — Андижон, Бобурнинг ватани, денгиз сатҳидан 450 метр баландликда жойлашган бўлиб, бугунги кунда айрим сабабларга кўра бутун дунёга танилди. Фожиали ҳодиса рўй берган 2005 йил 12 майдан 13 майга ўтар кечаси Фарғона водийсининг гавҳари бўлмиш бу шаҳарда қон тўкилди: ўқ товушлари шаҳар аҳлининг тинчини бузди. Мазкур фожиали воқеаларни жаҳон оммавий ахборот воситалари турлича ёритди, журналистлар ва сиёсатчилар уни ўз нуқтаи назарларида туриб талқин қилишди.***

## ИККИ ОЙ ЎТИБ...

### Ҳиндистонлик журналист Алок Шекхарнинг Андижондан репортажи

Ойни этак билан ёпиб бўлмайди, дейишади. Эртами ёки кечми ҳақиқат аён бўлиши муқаррар. Шу боис, 19 нафар хорижлик журналист ва саккиз мамлакатдан 11 нафар дипломат Ўзбекистон ҳукумати таклифи билан сабаблари ойдинлаша бошлаган бу ҳодисалар ҳақида бирламчи манбадан маълумот олиш учун фожиа рўй берган жойда бўлишди. Журналистлар ва дипломатларга учрашув аввалида вилоят ҳокимлигида намойиш этилган фожиали воқеалар ҳақидаги юракларни зир титратган видеофильм кўп – нарсани ойдинлаштирди.

Бугун Андижон воқеалари содир этилганига икки ой тўлди. Бироқ ўз жигарбандларидан айрилган ота-оналарнинг кўзларини ҳамон ёш тарк этгани йўқ. Атиги икки йил бурун турмуш қурган аёл бугун бева. Укасига олий маълумот олиб, давлат хизматига жойлашишга ёрдамлашиб юрган ака террорчилар билан олишувда жигарбандидан айрилди. Ватан хизматига бел боғлаган ёшгина ҳарбий хизматчи ҳаётдан эрта кетди. Бир сўз билан айтганда, ғам ва алам ҳар бир хонадонга бош суқди, ҳамма ўзига ўзи бу ёнғиндан ким ютди-ю, ким ютқазди, деган саволни беради. Зеро, қурбонлар ўрнини ҳеч нима билан тўлдириб бўлмайди.

Камина фожиали воқеалар жойида бўлиш имкониятига эга бўлдим, оддий одамлар — воқеалар гувоҳлари билан учрашдим, ўз постларида ҳалок бўлган давлат хизматчиларининг қариндошлари, давлат идоралари вакиллари, Қирғизистондан қайтиб келган одамлар билан суҳбатлашдим. Бозорни ҳам қўшиб ҳисоблаганда жами 11 жойда бўлдим ва шаҳар ҳамда унинг атрофидаги бугунги вазият билан танишдим. Қуйида ана шу сафар ҳақидаги, сиёсатдан холи, ростгўй ҳисобот келтирилаётир.

Одатда, сайр эрта саҳардан бошланади. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Мен Андижон шаҳридаги Нақшбандий кўчасидаман. Айни шу жойда террорчилар гуруҳи қурол-яроғ ўғирлаган. Бу бино ИИВ Андижон бўлими патрул-пости хизматига тегишли. Ўша ҳужум чоғида 5 нафар милиция ходими ўлдирилган эди. Навбатчи Анвар Аҳмедов менга ҳужумда 50-60 нафар террорчи иштирок этганини айтди. Батальоннинг янги тайинланган командири Шуҳрат Муҳаммадалиев кўзларида ёш билан менга ҳалок бўлган ҳамкасбларидан беш нафарининг фотосуратини кўрсатади. Кейин гўё ҳалок бўлганларнинг айби нима эди, деб сўрамоқчидек, беихтиёр жимиб қолади. Талончилик ва қонли жангдан сўнг террорчилар гуруҳи иккига бўлиниб ҳарбий қисмга ҳужум уюштиради. Милиция бўлими, ҳарбий қисм ва қамоқхона бир-бирига яқин, бир-икки километр масофада жойлашган.

Ҳарбий қисм Эргаш Ашуров кўчасида жойлашган. Менинг суҳбатдошларим — капитан Ботиржон Сотволдиев ва майор Илҳомжон Рашидов — ўша машъум кечанинг, яъни террорчилар гуруҳи 45605-ҳарбий қисм ичкарисига бостириб киришгани, отишмалардан сўнг 7-хонадан қуролларни ўғирлашганининг гувоҳи. Андижон шаҳар ҳокимининг айтишича, ҳужум уюштирган гуруҳнинг бир қисми четдан келган террорчилар бўлган.



Босқинчилик ҳужумидан сўнг террорчилар гуруҳи қамоқхонага ташланишади. Қамоқхона бошлиғи ўринбосари подполковник Раҳимовнинг айтишича, 50-60 чоғли террорчилар қамоқхона ҳудудига бостириб киришган ва қуроллардан тартибсиз ўт очган. Кейин гуруҳ икки қисмга бўлинган. Бир қисми ҳибсхоналардан аёлларни, бошқаси эркакларни бўшатган. Ҳужум қилганларнинг етакчиларидан бири: "Ҳаммаларинг чиқиб қочинглар, бўлмаса отиб ташлаймиз", — деб қичқирган. Оқибатда бу ерда жазо муддатини ўтаётган 737 нафар маҳбусдан 527 нафари тўрт томонга қараб қочади. Улар ҳалок бўлган хизматчилар жасадини босиб ўтиб ваҳимага тушиб қочишади. Бу қочқинларнинг айримлари, хусусан, Суннатилла Шарипов, Игор Мисков, Акмалжон Солижонов, Павел Сиржанов, Игор Ким кабилар қайтиб келишган, мен улар билан суҳбатлашдим. Уларнинг берган кўрсатмалари деярли бир хил. Маҳбус Адҳам Тожибоев: "Уларнинг олдиндан тайёрланган режа бўйича ҳаракат қилишгани очиқ-ойдин кўриниб турган эди", - дейди.

Шундан сўнг террорчилар вилоят маъмурияти биноси томон йўл олади, унинг бир қисми автомашина ва юк машиналарида Миллий хавфсизлик хизмати вилоят бўлими биносига ҳужум қилишади. Тўқнашув чоғида улар 1955 йили қурилган Бобур номидаги театр биносига, ундан унча узоқ бўлмаган яна бошқа бир театр биносига, шунингдек, вилоят маъмурияти биносига ўт қўйишади.

Андижонга сафарим давомида мен Қирғизистондан қайтиб келган кишилар билан ҳам учрашдим. Улар орасида 1987 йилда туғилган Давлат Алимов, 1958 йилда туғилган Дамин Азимов бор эди. Давлат қўл урган қилмишидан афсусланиб гапирди ва энди айбини ювиш учун Ватанга хизмат қилишга тайёр эканини, ўқишни тугатиб армия хизматига отланишини айтди. Мен Рустам Турсунов, Фарид Усмонов ва Аҳмат Қодиржоновлар билан ҳам суҳбатлашдим. Воқеа рўй берган жойни кўриб, маҳаллалар қўмиталарида бўлиб, оддий одамлар билан гаплашгач, маҳаллий маъмурият вакиллари билан ҳам суҳбатлашдим.

Андижон вилояти ҳокими гапни узоқдан бошлади. Вилоят аҳолисининг ва бу ерда яшаб келаётган миллатлар сони ҳақидаги статистик маълумотларни келтирди. Андижон вилоятида 102 миллатга мансуб 2346000 нафар киши яшайди. Шундан 88 фоизи ўзбеклар. Вилоятда 96 та қўшма корхона, 833 та маҳалла қўмиталари ва 18 та мачит фаолият кўрсатади. Менинг барча саволларимга қониқарли жавоб берилди. Прокурор Баҳодир Деҳқонов эса аниқ фактларни келтириб, бу фожиали воқеаларда 187 киши ҳалок бўлганини, шулардан 94 нафари террорчилар эканини айтди. 334 дона ўқотар қурол ўғирланган. 29 кишига қидирув эълон қилинган. Улардан 12 нафари Қирғизистонда паноҳ топган. Бу воқеаларнинг ташкилотчилари Туркистон ислом ҳаракати, Ҳизбут-таҳрир ва акромийлар оқимига мансуб кимсалар.

Видеофильм террорчилар томонидан суратга олинган бўлиб, аниқ вақт доирасида рўй берган ҳаққоний ҳодисаларни акс эттирган. Фильм кадрлари Ғарб оммавий ахборот воситаларида айтилаётган барча айбларни тўлиқ инкор этади, уларда биз террорчилар томонидан милиционерларнинг калтакланиши, театрларнинг ёқиб юборилгани, "Аллоҳи Акбар" деган ҳайқириқлар остида куч билан қўлга киритилган қуролларнинг намойиш этилганини кўрамиз. Шунингдек, маҳаллий маъмурият вакилларининг калтакланиши, портловчи қуролларнинг тайёрланиш жараёнлари ва бошқалар ҳам тасвирга туширилган. Шу нарса аниқки, бу фильм — айрим ғарб давлатларининг бўҳтонларига қарши салмоқли далил экани тайин. Видеофильм Андижон воқеалари тасодиф эмаслигини, балки олдиндан пухта тайёргарлик кўрилганини далиллайди. Бу воқеаларнинг ижрочилари пухта тайёргарликдан ўтган террорчилар бўлишган. Айни ҳақиқат эса, Ўзбекистон шаънига хорижда уюштирилаётган айбловлар тагида ҳеч қандай асос йўқлигини тасдиқлайди. Баъзи ғарб давлатлари энди ҳавойи даъволардан воз кечиб, реал фактлар билан танишиши лозим.

Бугун Андижонда ҳаёт изга тушган. Бозорлар, дўконлар, идоралар одатдаги тартибда ишлаб турибди. Буни шаҳарни ҳеч қандай қўриқчиларсиз айланишган ва ҳамсуҳбатларни бориб кўришмоқчи бўлган жойларни ўзлари танлашган саккиз мамлакат дипломатлари ҳам тасдиқлайди. Наҳотки, баъзи ғарб давлатлари 2001 йилги хатони такрорлашни истаса? Нима учун улар бугунги кунда Марказий Осиё хавфсизлигига таҳдид солаётган куч эртага ўзларининг гирибонидан олиши мумкинлигини тушунишни хоҳламайди?! Лондонда рўй берган ҳодисалар шундан дарак бермаяптими, ахир?!.

**Манба: «Центр-Азия»**

